

Тошкент шахри

“ 19 ” Феврал 2021 йил

Кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритиладиган “Тошйўловчитрансхизмат” УК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Атажанов А.И., бир томондан, ва кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университет (корхона, ташкилот номи) номидан 22.10.2021 йил асосида иш кўрувчи З. Тулалжодиев (корхона, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи) № 01/1-1817/1-сон қарор АЖниг 2020 йил 18 ноябрдаги иккинчи томондан, шартнома бўйича биргаликда “Томонлар”, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ қайта ташкил этиш йўли билан “Тошйўловчитрансхизмат” УКни ажратиб чиқариш ва фаолиятини қайта тиклаши сабабли, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

I. Шартнома мавзуси

1.1. Ушбу шартнома шартларига асосан “Буюртмачи” буюртма беради ва буюртма хақини тўлайди, “Ижрочи” эса Тошкент шахри йўловчи ташиш транспортида юриш учун транспорт карталари сотади ва уларни ҳисобини тариф режалари билан тўлдиради

II. Шартнома қиймати

2.1. Давлат корхонаси бўлган “Буюртмачи”га транспорт карталари ва тариф режаларини сотиб олиш учун ушбу шартномага асосан бюджет маблағларидан ташқари, бошқа манбалардан олинган маблағлар харажатлари 5916000 (Беш миллион тўққуз юз етмиш олти минг) сумми ташкил этади.

2.2. Юқорида кўрсатилган маблағдан ташқари транспорт карталари ва тариф режалари сотиб олинса ёки транспорт карталари ва тариф режаларининг нархи ошган тақдирда, бу маблағни “Буюртмачи” бошқа бюджетдан ташқари манбалардан олган ўзининг маблағлари ҳисобидан тўлайди.

III. Тўловлар тартиби

3.1. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва тариф режаларини “Буюртмачи” га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига биноан олинаётган транспорт карталари ва тариф режалари учун “Буюртмачи” томонидан олдиндан 100 % пул маблағлари тўланиб, “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг ҳамда ушбу маблағлар микдорига, “Буюртмачи” нинг қафолатли шахслари орқали ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда шахсга тегишли паспортнинг асл нусхаси тақдим этилган тақдирда, сотилаётган кундаги прејскурант нархларига мувофиқ сотилади.

IV. “Томонлар”нинг мажбуриятлари

4.1. “Ижрочи” ўзига қуйидаги мажбуриятларни олади:

4.1.1. Ҳар ойда “Буюртмачи” томонидан транспорт карталарига тариф режаларини тўлдириш учун олдиндан ўтказилган пул маблағига асосан қуйидаги манзилда амалга оширилади: 100100 Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1 тор-кўчаси, 6-уй.

4.1.2. “Ижрочи” ҳар ойнанинг 20 санасидан бошлаб транспорт карталарини сотиш ва тўлдириш учун “Буюртмачи”дан буюртма қабул қилади ва ҳужжатларни расмийлаштиради. Ҳар ойнанинг 20 санасидан 25 санасигача соат 8-00 дан 17-00 гача (12-00 дан 13-00 гача танаффусдан ташқари, шанба ва якшанба дам олиш кунлари.) “Буюртмачи” га расмийлаштирилган ҳужжатларга асосан транспорт карталари берилади ва уларга тариф режалари ўтказиб берилади.

“Ижрочи” имтиёзли транспорт картани сотишдан олдин, “Буюртмачи” томонидан имтиёзли транспорт картасидан фойдаланадиган ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва гувоҳнома нусхасини қабул қилиб олади.

4.1.3. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва уларга тўлдирилган тариф режалари сўт-фактура-юк хати асосида “Буюртмачи”га берилиб, унда транспорт карталари ва тўлдирилган тариф режаларини сони (доналарда), нархи, жами суммаси, серияси ва рақамлари, шунингдек қолдик суммаси кўрсатилади.

4.1.4. "Ижрочи" томонидан транспорт карталари ва тариф режалари "Буюртмачи"га ўтказиб бериладиган. Уларнинг нархлари ўзгарган тақдирда, "Буюртмачи" томонидан тўловнинг қайси кунда амалга оширилганидан назар, "Буюртмачи" нинг ишончномаси, кўшимча тўланган пул маблағи ҳақидаги тўлов топшириқномаси ва банк "Ижрочи" нинг ҳисоб рақамига пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган тақдирда, шу кундаги ўрнатилган нархда сотилади.

4.1.5. "Буюртмачи" "Ижрочи" нинг сўёт-фактура-юк хати бўйича қолдиқ пул маблағларига норозилик билдирса, у ҳолда "Ижрочи" "Буюртмачи" га таққослаш учун компьютер архивидан босмаланган солиштирма далолатномани таққдим этади.

4.1.6. "Томонлар" ўзаро ҳисоб-китобда қолдиқ суммани аниқлашлари учун икки томонлама солиштирма далолатномани имзолашлари мумкин.

4.1.7. "Буюртмачи" фойдасига ижобий қолдиқ бўлганида шартнома муддати тугаганда ёки бекор қилинганда ёки "Буюртмачи" нинг талабномасига биноан "Ижрочи" солиштирма далолатномага асосан қолдиқ маблағини "Буюртмачи" га 3 (уч) банк куни ичида қайтариши лозим.

4.1.8. "Ижрочи" йил якунида, шартнома муддати тугаши ёки шартнома муддатидан олдин тугатилиши муносабати билан ҳамда лозим бўлганида, "Томонлар"нинг имзоси билан тасдиқланадиган, солиштирма далолатномасини расмийлаштириши зарур.

4.2. "Буюртмачи" ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

4.2.1. "Буюртмачи" олинадиган транспорт карталари ва тариф режалари пул маблағларини "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиши ва транспорт карталари ва тариф режаларини ишончнома, шахснинг паспорти ва "Ижрочи" нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағлари тушгандан сўнг шартноманинг 4.1.2. бандида кўрсатилган муддатларда олиши лозим.

4.2.2. "Буюртмачи" оладиган транспорт карталари ва тариф режалари сони ва турини ўзгартирса, вақтинча олишни тўхтатса ёки шартномани бекор қилса, бу ҳақда "Ижрочи"га 20 (йигирма) кун олдин ёзма равишда хабар қилиши лозим.

4.2.3. "Буюртмачи" олинадиган транспорт карталари ва тариф режалари пул миқдори бўйича қарздор бўлиб қолса (шартноманинг 4.1.6.), шу қарзларни, қарз пайдо бўлган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида тўлаши лозим.

4.2.4. "Буюртмачи" йил якунида, шартнома муддати тугаши ёки шартнома муддатидан олдин тугатилиши муносабати билан ҳамда лозим бўлганида, "Томонлар"нинг имзоси билан тасдиқланадиган, солиштирма далолатномасига имзо чекиши лозим.

V. "Томонлар"нинг ҳуқуқлари

5.1. "Ижрочи" нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. "Буюртмачи" транспорт карталарини харид қилишда ва тулдиришда ушбу шартноманинг 4.2.1. бандида кўрсатилган муддатдан кейин мурожаат қилса, "Ижрочи" транспорт карталарини сотишга ва тариф режаларини тулдиришга эътироз билдириш ҳуқуқига эга.

5.1.2. "Ижрочи" муддати ўтган дебитор қарзларни "Буюртмачи" нинг розилигисиз унинг банки орқали бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатномасида акс эттирилган қарздорликни, тўлов талабномаси асосида талаб қилиш ва ундириш ҳуқуқига эга. "Буюртмачи" ушбу шартномани имзолаши билан ўзининг ҳисоб рақамидан тўлов талабномаси ва солиштириш далолатномасига асосан ўзининг розилигисиз қарз бўлган пул маблағларини "Ижрочи" томонидан олинишига розилик билдиради. Мавжуд қарзни ундириш учун тўлов талабномаси "Буюртмачи"нинг факат бюджетдан ташқари депозит ҳисоб рақамига юборилиши мумкин.

5.2. "Буюртмачи" нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. "Буюртмачи" харид қилинган транспорт карталари ва тариф режалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни таққослаш учун "Ижрочи"дан компьютер архивидан босмаланган солиштирма далолатномани бепул олиши мумкин.

5.2.2. Шартнома, унинг амал қилиш муддатидан илгари, бекор қилинган тақдирда солиштирма далолатномасига асосан "Буюртмачи" фойдасига пул маблағи қолдиғи мавжуд бўлган тақдирда, "Буюртмачи" ушбу қолдиқни "Ижрочи"дан қайтариб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

VI. транспорт карталарининг сони, нархи ва сифати

6.1. Сотилаётган транспорт карталарининг ва тариф режаларнинг нархи, тўла суммаси ва сони шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган сўёт-фактура-юк хатида кўрсатилади.

6.2. Сотилаётган транспорт карталари сифати тайёрловчи ташкилотнинг техник талабларига жавоб беради.

VII. "Томонлар"нинг жавобгарлиги

7.1. "Буюртмачи" томонидан тўлов муддати бузилса, у "Ижрочи" га хар кечиктирилган тўлов куни учун тўлов суммасининг 0,4 % миқдоридан пеня тўлайди. Пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.2. “Ижрочи” томонидан транспорт карталарининг бериш муддати бузилса, у “Буюртмачи” га хар кечиктирилган кунни учун тўлов суммасининг 0,4 % микдорида пеня тўлайди. Пеня микдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. “Томонлар” ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини етарли даражада ёки тўлик бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси конунчилиги асосида жавобгардирлар.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. “Томонлар” ушбу шартнома бўйича маъсулиятни қисман ёки тўла ҳолатда бажаришдан озод қилинадилар, агар бу ҳолат шартнома тузилгандан кейин енгиб бўлмас куч туфайли юзага келса, яъни фавқулодда ҳолатлар хар икки томон учун олдиндан қутилмаган ҳолатлар бўлиб, уларни оқилона тадбирлар билан енгиб бўлмаса (форс - мажор).

8.2. Ушбу фавқулодда ҳолатларга қуйидагилар қиради: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчиши, эпидемия ва табиатнинг бошқа офатлари, уруш ёки харбий ҳаракатлар, фуқаролар тартибсизликлари, террористик ҳаракатлар ва ҳ.к.

8.3. Форс - мажор ҳолатлари вужудга келганда мажбуриятларни бажариш муддати ушбу ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

8.4. Форс - мажор ҳолатига дучор бўлган томон 5 (беш) календар кунни ичида шундай ҳолат юз бергани ҳақида бошқа томонни хабардор қилиши керак.

8.5. Форс - мажор юзага келиши ҳақида хабарнома вақтида юборилмаса, айбдор томон бошқа томонга етказилган зарарни тўлаши шарт.

8.6. Форс - мажор ҳолатларига ишора қилувчи томон, уларни тасдиқлаш учун, ваколатли давлат органининг ҳужжатини тақдим этиши шарт.

IX. Низоларни ҳал этиш

9.1. Ушбу шартнома ижросидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликларни “Томонлар” музокаралар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилишади.

9.2. Агар ушбу шартнома ижроси бўйича низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, ушбу низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судида ҳал этилиши лозим. ✓

X. Бошқа шартлар

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган “Томонлар” ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, “Томонлар”нинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

10.2. Сотилган транспорт карталари ва транспорт карталарига тўлдирилган тариф режалар қайтариб олинмайди ва алмаштирилмайди.

10.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, хар бир томон учун бир нусхадан, тузилади.

10.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

10.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва “Томонлар” уларни имзолаган тақдирда, ҳақиқий ҳисобланади.

10.6. “Томонлар”нинг ҳеч бири, “Томонлар”нинг ёзма розилигисиз, ушбу шартнома бўйича ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи томонга бериши мумкин эмас.

10.7. Ушбу шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.8. “Томонлар” шартнома (келишув) тузаётганларида шартномага (келишувга) имзо чекиш ҳуқуқи бўлган шахсларнинг факсимилеси механик ёки бошқа нусха қўчириш воситасида ишлатилиши мумкин, шунингдек, факсимиле ушбу шартнома доирасида керакли бўлган ҳужжатларга ҳам ишлатилиши мумкин, агарда Ўзбекистон Республикаси конунчилигида факсимилени бу ҳужжатларда ишлатиш тақиқланмаган бўлса.

10.9. “Томонлар”, уларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, ушбу ҳақида бир-бирларини 10 (ўн) кун давомида ёзма равишда хабардор қилишлари лозим.

СПЕЦИФИКАЦИЯ

ойлик йул чипталарини олиш учун

20 22 йил " 19 " Январь даги № 37 шартномага

Т.Р.	Ойч серияси	Ойлар								
		январь			февраль			март		
		сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси
1	«N»									
2	«T»									
3	«O»									
4	«AV»									
5	«NM»									
6	«TM»									
7	«OM»									
8	«AVM»	3	166000	498000	3	166000	498000	3	166000	498000
Жами ой буйича		498000			498000			498000		
Т.Р.	Ойч серияси	Ойлар								
		апрель			май			июнь		
		сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси
1	«N»									
2	«T»									
3	«O»									
4	«AV»									
5	«NM»									
6	«TM»									
7	«OM»									
8	«AVM»	3	166000	498000	3	166000	498000	3	166000	498000
Жами ой буйича		498000			498000			498000		
Т.Р.	Ойч серияси	Ойлар								
		июль			август			сентябрь		
		сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси
1	«N»									
2	«T»									
3	«O»									
4	«AV»									
5	«NM»									
6	«TM»									
7	«OM»									
8	«AVM»	3	166000	498000	3	166000	498000	3	166000	498000
Жами ой буйича		498000			498000			498000		

Т.Р.	Ойч серияси	Ойлар								
		октябрь			ноябрь			декабрь		
		сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси
1	«N»									
2	«T»									
3	«O»									
4	«AV»	100 ✓								
5	«NM»	60								
6	«TM»	83								
7	«O'M»	83								
8	«AVM»	3	166000	498000	3	166000	498000	3	166000	498000
Жами ой бўйича		498000			498000			498000		
Ҳаммаси бўлиб		5976000								
Ҳаммаси бўлиб сўз билан		Беш миллион туққуз юз саттиш юз минг.								

"Ижрочи"

“Тошйўловчитрансхизмат” УК
 100000, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
 Амир Темура 1-тор кучаси, 6-уй.
 Тел.: (71) 233-08-48; (71) 233-54-23
 Ҳисоб рақами: 2021 0000 3004 1519 8001,
 “ORIENT FINANS” хусусий акциядорлик тижорат банкининг
 Юнусобод филиали, банк коди - 01075,
 Идентификация рақами СТИР (ИНН)- 201 121 832,
 Тармок коди ИФУТ (ОКЭД) – 52210,
 ҚҚС тўловчининг рўйхатдан ўтган коди 326 030 021 078

"Буюртмачи"

УМЭД (Университет мировой экономики и дипломатии)
 Адрес: г.Ташкент пр. Мустакиллик-54
 Факс: (71) 267-09-00, Тел.: (71) 267-67-69
Р/с: 2340 2000 8001 0000 1010
Л/с: 400110860262697094100044001
 В ХҚММБ ТОШ.ББ. ИНН: 201122919, МФО: 00014, ОКОНХ: 92110
ИНН: 200541524 WWW.UWED.UZ



Handwritten signature



Handwritten signature

Handwritten mark

Handwritten signature Н.Я. Даламухамедова
 Гувоҳнома № 009715



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT ROYXATIGA O'TKAZISH HOG'RI-SHIDA

GUVOHNOMA

Ko'rsat. № 000088-10
2017 yil "24" mart

№ 000088

Mazkur guvohnoma

"TOSHYO'LOVCHITRANSXIZMAT"

yuridik shaxsiga berildi

Tasvirkily-huquqiy shakli: Unitar korxonasi

THSH (OILF)
160

Mulohazalar shakli: Unitar korxonalar mulki

MSHT (FC)
135

Davlat royxatidan o'lgan kundagi pochta manzili:
YUNUSOBOD TUMANI,

MHBT (COATO)
1720266

Yuridik shaxsning identifikatsiya qamari:
YUNUSOBOD TUMANI 1-TOR KO'CHASI, 6-UY

KTUT (OKITQ)
75131268



STIR (IHID)
2017121832

07.04.2014 YILDA ROYXATDAN OTGAN.

AVVAL, M.U.LUG'BEK TUMANI TSROI TOMINIDAN

DUBLIKAT GUVOHNOMA BERILDI

Vakolatli organ boshlig'i:

V.K.Mamedov

